

ЎЗБЕКИСТОН ХАЙКАЛТАРОШЛИГИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ РИВОЖЛАНИШИДА ХАЙКАЛТАРОШ РАВШАН МИРТОЖИЕВНИНГ ЎРНИ



Азатбай Юсупов

Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик
ва дизайн институти “Театр рангтасвир беаги”

кафедраси доценти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19381765>

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон ҳайкалтарошлигининг мустақиллик давридаги ривожланишида Ўзбекистон ҳайкалтарошлари томонидан яратилган асарлари ҳақида ва улар орасида Равшан Миртожиевнинг алоҳида тутган ўрни ҳақида фикрлар баён қилинган.

Калит сўзлар: Ҳайкалтарошлик, тарихий образлар, пластика, дастгоҳли, маҳобатли ҳайкаллар, ёдгорлик мажмуалари.

Аннотация. В статье рассматриваются произведения, созданные узбекскими скульпторами в период независимости Узбекистана, а также анализируются основные тенденции развития узбекской скульптуры в данный период. Особое внимание уделяется творчеству Равшана Миртожиева и его значимой роли в современном развитии национальной скульптуры.

Ключевые слова: скульптура, исторические образы, пластика, станковая скульптура, монументальная скульптура, мемориальные комплексы.

Abstract. The article examines the works created by Uzbek sculptors during the period of Uzbekistan's independence and analyzes the development of Uzbek sculpture in this era. Special attention is given to the creative work of Ravshan Mirtojiev and his distinctive role in the advancement of contemporary national sculpture.

Keywords: sculpture, historical images, plasticity, easel sculpture, monumental sculpture, memorial complexes.

Мустақилликнинг ижобий таъсири ўларок, санъатнинг турли йуналиш ва услубларида эркин ижодга йўл очилди ва шу жумладан, ҳайкалтарошлик йўналишида ҳам. Бунинг натижасида маҳобатли ҳайкалтарошлик асарлари рангтасвир асарларидек замонавий бадиий жараёнда етакчи бўлиб қолди.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши унинг тасвирий ва амалий санъатдаги янги даврини бошлаб берди. Президент Ислоҳ Каримов фармонида биноан 1997 йили Ўзбекистон Бадиий академиясининг ташкил этилиши маданий ривожланишнинг янги босқичини очиб берди. Бу эса ўз-ўзидан тасвирий санъатда мафкуравий қарамликни бекор қилиниши натижасида ижод эркинлигини қўлга киритган ҳолда, рассомлар ва ҳайкалтарошлар услубий ранг-барангликда асарлар ярата бошладилар. Ўзбекистон Бадиий академиясининг ташкил этилиши эса шу жараёнда янада тезлашишига йул очди.

Мустақиллик йилларида ижод эркинлиги санъатда турли услуб ва йўналишларнинг ривожланишига олиб келди. Санъатнинг баҳолаш мезонини ижодкорнинг шахсий ўй ва

кечинмалари белгилай бошлади. Ўзбекистонда янги маънавий-ғоявий йўналишларнинг шаклланиши ўз навбатида, замонавий санъатнинг барча соҳаларига самарали таъсир этиб, ижодий изланишлар доирасини кенгайтириб, бадиий тафаккур ривожини янада жадаллаштирди.

Тарихий, маданий ва маънавий-ахлоқий қадриятларнинг кенг қатламларини қайта идрок этиш ғоялари, янгиланиш тамойиллари меъморлик, тасвирий ва амалий безак соҳаларида, мусиқа ва томоша санъатларида, бадиий ва хужжатли кино ҳамда, телевидение тизимида яққол намоён бўла бошлади.

Ўзбекистонда янги маънавий - ғоявий йўналишларнинг шаклланиши ўз навбатида, замонавий санъатнинг барча соҳаларига самарали таъсир этиб, ижодий изланишлар доирасини кенгайтириб, бадиий тафаккур ривожини янада жадаллаштирди.

Санъат, хусусан, ҳайкалтарошлик санъати истиклол даврида мафкуравий - ғоявий, маънавий оламнинг таркибий қисми сифатида у миллат ҳаётидаги сиёсий ижтимоий, иқтисодий ўзгаришларга ташвиқот-тарғибот воситаларига ўхшаб тезкорлик билан жавоб бера олмаса-да, Мустақиллик йилларида яратилган ҳайкалтарошлик асарларида янги ғоявий - мафкуравий муҳит таъсири, миллий ҳамда тарихий мавзулар устиворлиги ўз аксини топди ва йирик бадиий ёдгорлик ҳайкаллари барпо этилди.

Айни пайтда глобаллашув даври халқаро маданий алоқаларнинг кенгайиши, ўзбек рассомларининг дунё бадиий мероси билан танишуви ҳайкалтарошларга ижодий изланишларнинг кенг имкониятларини очди. Жадаллик билан олиб борилаётган шаҳар қурилишлари. Шаҳар фазовийлигини фаровонлаштириш зарурияти санъатнинг кўпгина турларини уйғунлаштирувчи янги меъморий ечимлар излаш, янги дизайн соҳасини ривожига олиб келди, ҳамда ҳайкалтарошликнинг заруратини яъни, зарур бадиий элемент эканлигини кўрсатди. Фазовийлик, ҳажм, оригинал ғоя, мавжуд ҳайкалнинг конструктивлиги, постмодернистик санъатнинг эстетик чўққисига замонавий ўзбек рассомларини қамраб олган ҳолда олиб чиқди. Миллий тарихий ўтмишимизни қахрамонлаштириш И. Жабборов, Р. Миртожиев, А. Рахматуллаев, Л. Рябцев, Қ. Норхўрозов, П. Подосинников, М. Алиевлар ижодларида янги мавзули диапазонлар очиб берди.

Республиканинг барча вилоятлари (туман, шаҳар ва қишлоқлари) янги тус олди. Ҳайкалтарошлик санъатида улкан ўзгаришлар пайдо бўлди. Хориж давлатларида Ўзбек ҳайкалтарошлари буюк тарихий шахслар, алломаларимизнинг маҳобатли ҳайкаллари ўрнатилди, Республикаимизнинг турли вилоятларида, шаҳар ва қишлоқларида маҳобатли ҳайкал монументлар ўрнатилди.

Ҳайкалтарошлик санъати шу даражада ривожландики, ўзбек ҳайкалтарошларини ўз санъати ва маҳоратлари билан жаҳон таниб бормоқда. Сабаби, муқаддас аждодларимиз, алломаларимизнинг маҳобатли ёдгорлик монументлари, ўзбек ҳайкалтарошлари томонидан дунёнинг нуфузли (Россия, Бельгия, Япония, Озарбайжон, Хитой) давлатларида ўрнатилди.

Ўзбек ҳайкалтарошлари турли Республика ва хориж кўргазмаларида, турли мавзулардаги дастгоҳли, маиший, замонавий асарлари билан қатнашмоқдар.

Мустақиллик йилларида маҳобатли ҳайкалтарошликка бўлган эътибор янада кучайиб борди. Айниқса халқимизга яқин бўлган, юрт равнақи ва халқ фаровонлигига катта ҳисса қўшган инсонлар образларини яратиш орқали маҳобатли ҳайкалтарошлик санъатининг моҳияти ортмоқда.

Маҳобатли ҳайкалтарошликнинг Мустақиллик йилларидаги яна бир ижобий моҳияти шундан иборатки, истиқлол йилларидан бошлаб узоқ вақт тилга олинмаган ва таъқиқланган мавзуларда биринчи бор кенг қўламда ҳайкалтарошлик ишлари амалга оширилди. Ўтмишнинг буюк саркарда ва халқ қаҳрамонлари, қатағон йиллари қурбонларига атаб ёдгорликлар юртимизнинг буюк ҳайкалтарошлари томонидан яратилди. Сўзларимизни исботи сифатида буюк бобокалонимиз, шеърят мулкининг султони Алишер Навоийга атаб, Самарқандда, Заҳириддин Муҳаммад Бобурга атаб Андижонда ҳамда ўзбек миниатюра санъатининг асосчиси Камолиддин Бехзод ва бошқа аждодларимизга атаб маҳобатли ҳайкалтарошлик асарлари яратилди. Замонамизнинг энг истеъдодли серқирра меҳнаткаш устоз ижодкорлари бўлиш Равшан Миртожиев, Илҳом Жабборов, Камол Жабборов, Рустам Ерметов, Т.Тўлаходжаев ва бошқа ҳайкалтарошлар истиқлол йилларида жуда кўп меҳнат қилиб бир-биридан гўзал асарлари билан янада халқимиз қалбидан жой олдилар.

Маҳобатли ҳайкаллар муҳим тарихий воқеалар, атоқли шахслар хотирасини абадийлаштириш мақсадида ўрнатилади. Одатда маҳобатли ҳайкалтарошлик асарлари ўзида катта мазмунни англатиб, у бевосита муҳит билан боғланади, меъморчилик бинолари ҳамда табиат билан уйғунликда бўлиши талаб этилади. Бу эса унга янада улуғворлик ва таъсирчанлик бахш этади. Мисол тариқасида Республикамизнинг турли шаҳар марказларида ва туманларида бундай монумент ҳайкалларни кўриш мумкин.

Истироҳат боғлари, хиёбонлар, кўчалар, шунингдек, меъморчилик биноларининг пештоқларини безаш учун ишлатиладиган ҳайкаллар, маҳобатли-безакли ҳайкалтарошлик асарлари бўлиб, бевосита ўша борлиқ билан боғлиқ бўлган ҳолда асарнинг мазмун моҳиятини янада тўлдириб туради.

Шундай ўз касбига фидойи ҳайкалтарош, Ватан куйчиси, Ўзбекистон Бадиий академияси академиги, Ўзбекистон халқ рассоми Равшан Миртожиевнинг ижоди тўғрисида тўхталиб ўтиш жоиздир. Таниқли ҳайкалтарош ҳаётлик дарида Ўзбекистон Бадиий Академияси раиси муовини ва шу билан бирга Камолиддин Бехзод номидаги Миллий Рассомлик ва дизайн институти “Ҳайкалтарошлик” кафедраси профессори, ўз ҳурмат ва обрўсига эга устоз бўлган. У инсон ўз вақтида маҳобатли ҳайкалтарошлик борасида Республикамизда, қолаверса, хориж мамлакатларда ўз истеъдоди ва маҳорати билан улкан зафарларга эришган ҳайкалтарошдир. Ушбу ижодкор ҳам дастгоҳли, ҳам маҳобатли ҳайкалтарошликнинг моҳир устаси саналади.

Ҳайкалтарош Равшан Миртожиев XX асрнинг 1980 йиллари санъат оламига кириб келди. Тошкент Театр ва Рассомлик институтининг “Ҳайкалтарошлик” бўлимини тамомлаб, ўз ижодини Андижон вилояти Андижон шаҳрида бошлади. Унинг илк дастгоҳли ҳайкалтарошлик услубида яратган асарларидан “Она ва бола” ёдгорлигидир. Бу асар иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва қурбон бўлганлар хотирасига бағишланган бўлиб, ватанпарварлик ғоясини илгари сурган. Бундан ташқари Равшан Миртожиев турли хил мавзуларда бир қанча асарлар яратди.

1990 йилда дастгоҳли ҳайкалтарошлик усулида 40 сантиметрли Миллий қаҳрамон “Темурмалик” образини бронзадан яратади. 1995 йилда “Ёмғир”, 1996 йилда Заҳириддин Муҳаммад Бобурга аталган 30x30 ўлчамли “Ватан соғинчи” каби бронзадан ишланган ҳайкаллар, 2000 йилда 25 см. ли “Йўл бошловчи Бобур”, Сурхондарё вилоятида ўрнатилган маҳобатли ҳайкалтарошлик услубида ишланган кўп қоматли “Бахтли оила” монументи, пойтахтда барпо этилган Камолиддин Бехзод Шарқ миниатюра санъати музейи боғида буюк мусаввирга атаб ишланган “Камолиддин Бехзод” ҳайкаллари образини яратди.

Ундан ташқари Равшан Миртожиев аста-секинлик билан маҳобатли ҳайкалтарошлик усулида ижод қила бошлади. Ўз ижоди давомида тарихий, миллий ватанпарварлик мавзуларида образларни чуқур ўрганган ҳолда асарлар ярата бошлади, кейинчалик чет мамлакатларда ҳам ўзбек халқини жаҳонга танитишда улкан ҳисса қўшиб келди. Мустақиллик шарофати билан биринчи Президент ташаббуслари билан юртимизнинг буюк алломалари номлари абадийлаштирилиб, монументал ҳайкаллар қўйилди.

Булардан, “Абдулла Қодирий”, “Темурмалик”, Андижонда Темурийлар сулоласи вакили, буюк саркарда ва давлат арбоби “Заҳириддин Муҳаммад Бобур”, буюк ўзбек зиёлиси, ёзувчи “Чўлпон” ҳайкали, Япониянинг Токио ва Россиянинг Москва шаҳрларида ўрнатилган “Алишер Навоий” образлари, Мисрда ва Озарбайжонда ўрнатилган “Ал-Фарғоний”, Хитойнинг Чанчунь шаҳрида ўрнатилган “Қамолитдин Беҳзод”, Бельгиянинг Кортрейк шаҳрида, Латвиянинг Рига шаҳрида ўрнатилган “Ибн Сино” ҳайкаллари, Тошкент шаҳрида жойлашган Ғофур Ғулом номли истироҳат боғининг кираверишига ўрнатилган атоқли адиб ва ёзувчи “Ғофур Ғулом”, 2008 йилда ўзбек халқининг севимли шоираси “Зулфия” ҳайкаллари ва ниҳоят 2010 йилда пойтахтимизнинг жасорат майдонида ўрнатилган “Ватанга қасамёд” монументлари шулар жумласидандир.

Ҳайкалтарош Равшан Миртожиев ўз асарларда нафақат, ижодкор ва шоира Зулфиянинг образини балки кўплаб бошқа улуғ шоирлар, ёзувчилар, буюк алломалар, ва саркардаларнинг кўзга кўринмас қирраларини нафис ва чиройли образлар орқали уларнинг ички кечинмаларини аниқ ва равшан қилиб тасвирлаб берган.

Айнан мана шундай мавзуга оид монументал ҳайкаллар шахримизнинг бошқа жойларида ҳам қад кўтариб турганини гувоҳи бўламиз. Ижодкорнинг асарларида ватанпарварлик, садоқат, ўз юртига ҳурмат эҳтиром ғоялари илгари сурилади

Юқорида Равшан Миртожиевнинг маҳобатли ҳайкалтарошлик асарлари тўғрисида тўхталиб ўтган эдик, энди унинг дастгоҳли ҳайкалтарошликдаги ижодига эътибор қаратамиз. Унинг илк дастгоҳли ҳайкалтарошлик услубида яратилган асарларидан “Она ва бола” ёдгорлигидир. Бу асар орқали ижод соҳиби иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ватан ҳимояси йўлида қурбон бўлганлар хотирасига бағишланган бўлиб, унда ижодкор ватанпарварлик ғоясини илгари сурган.

Р.Миртожиев XX асрнинг буюк ҳайкалтароши Генри Мурнинг шаклий, пластик ечимлари ёки рус ҳайкалтароши Кербелнинг ижодидаги замонавий ҳайкалтарошлик санъатидан ҳамиша таъсирланади ва завқ олади. ”Шундай бўлса-да, мен маҳобатли ҳайкал устида ишлаётганимда, улардан бирортасини эсламайман. Мени куёшнинг чиқиши ва ботиши, ҳайкал ўрнатиладиган жойнинг ландшафти, маконнинг бўлажак ҳайкалга не чоғлик боғланиши кизиқтиради. Булар ҳақида ўйлашим билан албатта, образнинг ечимлари топила бошлайди” - дейди у¹.

Р.Миртожиевнинг “Эл-юрт таянчи” ҳайкалида (Қарши, 2006 й.) маҳаллий халқнинг ўзига хос олами тараннум этади. Қадриятларимизни улуғлашга чорлайдиган ижтимоий буюртмалардан бири - “Ватанга қасамёд” монументидир (Тошкент, 2010 й.). Бу ерда муаллиф, ўз юртига, халқига садоқатли бўлишга онт ичишга тайёр турган ёш аскарнинг Она тимсолидаги ватан ва байроқ пойида тиз чўккан ҳолатини кўрамыз.

Ҳар бир ижодкор фаолиятида она мавзуси муҳим ўрин тутаети. Р.Миртожиев “Мотамсаро она” монументини бир неча бор ишлади. Жиззахда (1999 й.), Андижонда (2000

¹ Н.Норматов. Вақт қўнғироғини тинглаётган ижодкор. Санъат.: 2914.1-сон. 26-30 б.

й.), Фарғонада (2000 й.) ўрнатилган турли ҳажмдаги ушбу “Мотамсаро она” монументлари Она ватаннинг бевақт ҳалок бўлган фарзандларига сукутли марсиясидир.

Ҳайкалтарош тинимсиз изланишда бўлди ва ижод қилди. У яратган асарлар ҳақида турлича фикрлар билдирилади. Бу–табиий албатда. Ҳайкалтарош асарларига бундай муносабат – унинг ижоди ҳамкасблариникидан нимаси билан фарқ қилади? Унинг услуби ва усули қайси мактаб анъаналарига асосланган? каби кўплаб ўхшаш саволлар билан боғлиқдир. Бундай олганда, унинг аксарият асарларида Европа ва рус ҳайкалтарошлик мактабининг реалистик анъаналари давом эттирилгандек туюлади. Аммо мана шундай шаклу - шамойиллар Чағаниён, Далварзинтепа археололгик топилмаларидаги ҳайкаллар, жумладан, шахзоданинг боши, аскар, қоҳин ва сарой аёнлари портретлари топилмалар дунёнинг турли галереяларида ҳам мавжудку.

Р. Миртожиев ҳам дастгоҳли ҳайкалтарошлик ишларида шартли, рамзли пластик изланишлар олиб боришни хуш кўради. Аммо маҳобатли ҳайкалтарошлик ишларида хусусан тарихий сиймолар, реал шахслар портретларини яратишда халқ тасаввурида қолган китобларда тасвир этилган таснифларга суяниб ишлашни маъқул кўради.

Р.Миртожиевнинг салкам қирқ йиллик ижодий изланишлари ҳаётнинг олтин саҳифаларини безаш учун унга берилган мўъжизакор ва сирли имкониятдир. Бу давр мобайнида у “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” (1999 й.), “Ўзбекистон халқ рассоми” (2003 й.) каби юксак унвонлар ва “Заҳириддин Муҳаммад Бобур” номидаги халқаро мукофот (1998 й.), Токиодаги Фуджи музейининг медали, Москва шаҳар думаси фахрий ёрлиғи, Россия Бадий Академияси медали билан тақдирланди. Р.Миртожиев Хитойдаги Шанхай университети (2019 й) ва Ҳарбин университети (2011й) фахрий профессоридир.

Бундан ташқари Р.Миртожиевнинг шогирди истеъдодли ижодкор Жасвант Анназаров ёш ҳайкалтарош сифатида устозининг берган сабоқларидан мазкур санъат йўналиши бўйича етук уста бўлиб етишди. У Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида олий маълумотини эгаллаб, сўнг магистратура йўналишини тугатиб ҳозирги кунда шу илм даргоҳида бўлажак ҳайкалтарош талабаларга сабоқ бериш билан бир вақтда, ўзи устида тинмай ишлаб, кўпгина давлат аҳамиятига эга бўлган асарларни яратишга муваффақ бўлган.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Норматов Н. Вақт кўнғироғини тинглаётган ижодкор. “Санъат”: 2014. 1-сон. 27-31б.
2. Исломов Ф. Ҳайкалтарошлик. “Ўқитувчи” нашриёт-матбаа ижодий уйи: Тошкент - 2007.
3. Воронова О. Искусство скульптуры. Издательство “Знание”: Москва – 1981.
4. Либман Я.М. О скульптуре. Советский художник: Москва – 1962.